



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “ 3 ” *fevral*

№ *178*

Yangibozor tumani

Янгибозор туманидаги “Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдошев Сардорга сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, “Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдошев Сардорнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси асосида ўтказилган очиқ танлов яқунларига кўра, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,10-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари бўйича қабул қилинган комиссия қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туманидаги “Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдошев Сардорга Оёқдўрман қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 106-,107к-, 108-контурларда жойлашган умумий ер майдони **20,4** гектар, шундан суғориладиган экин ери **19,0** гектар, ариқ ва зовурлар **1,4** гектардан иборат ер участкаси сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 40 (қирк) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Янгибозор туманидаги “Халқобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Юлдошев Сардорга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Юлдошев Сардор ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро С.Юлдошевга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- бизнес режада белгиланган экин турларини тўлиқ экиб, ҳосилдорликни ошириб бориш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш;

- ҳудудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.


5. Ушбу қарорга асосан, туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими.В.В.О



(Handwritten signature)

Ж.Холметов